

ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят Кенгашининг сессияси

Тўйгепа шаҳрида Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг XXI сессияси бўлиб ўтди. Унда вилоят Кенгаши депутатлари, вилоят ҳокими ўринбосарлари, ҳокимлик гуруҳ ва котибиятлари раҳбарлари, тегишли ташкилот ва бошқармалар бошлиқлари, туман, шаҳар ҳокимлари, вилоят ички ишлар, прокуратура идоралари мутасаддилари, шунингдек, жамоат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар. Сессияни Халқ депутатлари вилоят Кенгаши раиси, вилоят ҳокими Шукрулло Бобоев бошқарди.

ҚУРУҚ ҲИСОБОТЛАРДАН АМАЛИЙ ҲАРАКАТЛАР САРИ

Депутатлар кун тартибига мувофиқ, дастлаб ўтган 2016 йилда вилоят Ички ишлар бошқармасининг фаолияти, тизимда амалга оширилган ишлар, хусусан, жиноятчиликка қарши курашиш, профилактика тадбирларининг самарадорлиги масаласини атрофлича муҳокама қилдилар. Мазкур масала юзасидан вилоят ҳокимининг ҳисоботи тингланди. Унда қайд этилгандек, бугун Президентимиз Шавкат Мирзиёев бошчилигида юртимизда хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш, жамоат тартибини сақлаш вазибаларига устувор аҳамият берилаяпти. Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жиноятчиликка қарши курашиш, жамоат тартибини сақлаш, фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилиш борасидаги ишлар янги босқичга кўтарилаётди.

Шунга қарамай, айна пайтда ички ишлар идораларининг фаолият самарадорлигини ошириш, маҳаллий ҳокимликлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорлигини янада такомиллаштиришни даврнинг ўзи тақозо этиб турибди. Негаки, бугун оддий одамларнинг ҳаёт тарзи, турмуши билан боғлиқ муаммоларга эскича фикрлаш, ишни эски "қолип"лар асосида ташкил қилиш, ўз бурчини шахсий манфаатлардан келиб чиққан ҳолда бажариш билан асло ечим топиб бўлмайд.

Бинобарин, давлатимиз раҳбари раислигида шу йил 9 февраль кун ички ишлар органлари фаолияти, тизимда мавжуд муаммо ва камчиликлар, истиқболдаги вазифаларга бағишланган видеоселектор йиғилишида тилга олинган камчилик ва нуқсонлар бевосита вилоят Ички ишлар бошқармаси фаолиятига ҳам тааллуқлидир. Жойларда мол-мулкка жинойи тажовуз, қасддан тан жароҳати етказиш ҳолатлари, айниқса, аёллар, вояга етмаганлар ўртасида кўп қабатли жиноятлар учрамоқда. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ўртасидаги ҳамкорлик талаб даражасида эмас. Қидирувда

юрган аксарият шахслар ҳанузгача кўлга олинмаётгани ташвишланарлидир. Айна пайтда мавжуд ахволни ўнглаш бўйича вилоятда комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқиш, ҳаётга изчил татбиқ этилаётгани, унга мувофиқ милиция таянч пунктлари инфратузилмасини такомиллаштириш, профилактика инспекторининг турмуш шароитини яхшилаш, ички ишлар органлари тизимини комплекс ислоҳ қилиш, унинг таркибий тузилмаларини оптималлаштириш бўйича ишлар бошлаб юборилгани таъкидланди. Жорий йилнинг биринчи ярмида вилоятдаги мавжуд 521 нафар профилактика инспекторини хизмат ўйлари ҳамда имтиёзли кредитлар асосида шахсий автомобиллар билан таъминлаш ишлари якунига етказилди. Ҳозиргача бунинг учун 28 та кўп қаватли уйлардан хонадон, шунингдек, 87 та ер участкаси танлаш ва ажратиш тўғрисида тегишли қарорлар қабул қилинган. Шунингдек, 19 та милиция таянч пунктлари капитал, 62 тасини жорий таъмирлаш учун вилоят ҳокимлиги томонидан етарли миқдорда маблағ ажратилди. Кун тартибидagi масала юзасидан тегишли бошқарма ва идоралар раҳбарлари, туман ва шаҳар ҳокимлари, ҳудудий ички ишлар бўлимлари раҳбарларининг ахборотлари тингланди. Тизимдаги мавжуд камчилик ва нуқсонларга барҳам бериш бўйича кўшимча чора-тадбирлар қабул қилинди. Сессияда ташкилий масала кўрилди. Шу вақтга қадар Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг ўринбосари вазифасида ишлаб келган Саидқарим Нишонбоев вилоят Ички ишлар бошқармаси бошлиғи вазифасига тасдиқланди. Шунингдек, депутатлар вилоят ҳокимининг ташкилий масалаларга доир бир қатор қарорларини ҳам тасдиқладилар. Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг сессиясида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг ўринбосари А. Азизов сўзга чиқди.

Ўз муҳбиримиз.

ХАЛҚ БОЙ БЎЛСА, ДАВЛАТ ҲАМ БОЙ ВА ҚУДРАТЛИ БЎЛАДИ



Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 7 февралдаги Фармони билан тасдиқланган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ривожлантириш бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида миллий иқтисодийни жадал ривожлантириш ва либераллаштириш борасида энг долзарб масалалар ечими юзасидан аниқ вазифалар белгилаб берилган. Хусусан, бунда "2018-2021 йилларга мўлжалланган экспорт фаолиятини ривожлантириш концепцияси"ни ишлаб чиқиш белгилаш, аввало, юқори кўшимча қийматга эга маҳсулотларни экспорт қилишни кенгайтириш имконини беради. Бу, биринчи навбатда, мамлакатимиз учун савдо алоқаларини ривожлантириш борасида мақсадли бозорларни аниқлаш бўйича амалга оширилган ишларни янги босқичга олиб чиқади. Ташқи бозорларда маҳсулотларни экспорт қилишда катта ҳажмдаги экспорт-

лар билан ривожлантиришга йўл очади. Чунки молиявий марказлашув кучайиб, ахборотлар оқими товар ва хизматлар экспортга жиддий таъсир кўрсатаётган бугунги кунда трансмиллий иқтисодий дипломатия ҳар қачонгидан ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу ташқи бозорларни маркетинг ўрганиш усулини ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлашни янада кучайтиришни тақозо этади ва шу боис мазкур Концепцияда бу борада янги, замонавий ва самарали механизмни яратиш масаласи мақсад қилинган. Концепциядан кўзланган яна бир мақсад – белгиланган бозорларни миллий маҳсулотларимиз билан таъминлаш. Бунга улардаги асосий иштирокчилар билан узвий ўзаро ҳамкорлик ўрнатиш орқали эришиш кўзда тутилмоқда. Яна бир муҳим жиҳат – миллий маҳсулотларимизнинг чет эл бозорларида рақобатбардошлигини ошириш мақсадида мамлакатимиздаги ишлаб чиқариш тармоқларига халқаро сифат стандартларини (ISO 9001) кенг жорий этиш белгиланган. Бу маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни ташқи бозорларда маҳсулотларни стандартлаштириш ва сертификат-

лаштириш тўғрисидаги маълумотлар билан таништириш ишларини янада кучайтириш билан ҳамбарчас боғлиқ. Ҳаракатлар стратегиясида тадбиркорлик субъектларининг ташқи иқтисодий фаолиятини янада рағбатлантириш, экспорт-импорт операцияларини тартибга солишни такомиллаштириш, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг маҳсулотлари рақобатбардошлигини ошириш, экспорт ҳажминини кўпайтириш ва географиясини кенгайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳасини ишлаб чиқиш белгиланган. Бунда товарларни ишлаб чиқариш учун бутловчи қисмларни импорт қилишда мувофиқлик сертификатини бериш мuddатини, илгари ҳудди шундай товар учун сертификат олган тақдирда 10 кундан уч кунгача қисқартириш назарда тутилмоқда. Товар ва хизматлар экспортидан (хом ашё товарлари бундан мустасно) валюта тушумининг белгиланган қисминини мажбурий сотишни камайтириш, ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотларнинг экспорт қилувчи корхоналарга белгиланган имтиёзларни маҳаллий товарларнинг экспорт қилувчи савдо-воситачилик корхоналарига ҳам татбиқ этиш режалаштирил-

ган. Барча ҳўжалик юритувчи субъектларга мева-сабзавот маҳсулотларини тўғридан-тўғри экспорт шартномалари тузиш орқали экспорт қилиш ҳуқуқини бериш, экспорт қилиш тақиқланган айрим товарларни (нон ва гўшт маҳсулотлари, тирик мол ва парранда) рухсатнома асосида экспорт қилиш тизимини жорий этиш, фойдаланилган машина, жиҳоз ва техникаларни экспорт қилишни соддалаштириш ва тартибини аниқлаштириш, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги санитария нормалари ва карантин қоидаларини жаҳоннинг илгор мамлакатлари стандартларига мувофиқлаштириш кўзда тутилган. Буларнинг барчаси Биринчи Президентимиз Ислам Каримовнинг 2013 йил 8 августдаги қарори асосида Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ҳузурда ташкил этилган Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси зиммасига ҳам катта масъулиятлар юклайди. 2016 йилда мамлакатимиз тадбиркорлари жамғарма кўмагида 2,9 миллиард доллардан зиёд ҳажмда экспорт шартномалари имзолади ва улар доирасида 470 тадбир-

корлик субъекти қарийб 1,4 миллиард долларлик экспортни амалга оширди. Жамғарма кўмагида амалга оширилган экспорт ҳажми 2015 йилга нисбатан 33 фоизга ошди. Ташқи бозорларга асосан саноат ва қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари етказиб берилди. Экспорт салоҳиятига эга корхоналарнинг экспорт фаолиятини рағбатлантириш ва уларга молиявий кўмак кўрсатиш мақсадида жамғарма 2,3 миллиард сўмдан зиёд молиявий кўмак ажратди. 15 хил янги турдаги маҳсулотларни халқаро бозорларга етказиб бериш, 40 корхонада халқаро ISO стандартлари талабларига асосан сифат бошқаруви тизимларини жорий этишда кўмаклашилди. Мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг экспорт географиясини кенгайтириш мақсадида жамғарма 2016 йилда Москва, Уфа, Милан, Сеул, София, Женева ва Мадрид шаҳарларида хорижий ваколатхоналарини ташкил этди ва тадбиркорларга ушбу мамлакатлар бозорларига экспорт қилишда яқиндан кўмак кўрсатиб келмоқда. Жамғарма томонидан 242 кичик бизнес субъектига 10 нуфузли халқаро кўргазма ва анжуманда иштирок этишда кўмак кўрсатилди. Натijaда, тадбиркорларимиз 61,5 миллион долларлик экспортни амалга оширди.

Давоми 2-бетда. ➡

Имконият



Мансур НАХАЛОВ олган сурат.

ҲУНАРИ БОР – ЭЛДА АЗИЗ

Вилоятимизда халқимизнинг тарихий, моддий-маънавий меросини, орзу-истакларини ўзида мужассам этиб келаётган миллий хунармандчиликни ривожлантириш, соҳада иш билан банд аҳолини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Зеро, уста-хунармандларимиз томонидан таъкидлаш жоиз, ушбу фаолият тури мустақиллик туфайли қайта тикланди, соҳа вакиллари қадр топди. Республика "Хунарманд" уюшмаси ва жойларда унинг бўлимлари ташкил этилди. Бир пайтлар уста-хунармандлар ўзлари яратган буюмларни сотиш, аҳолига етказишда турли тўсиқларга учраган бўлса, бугун

иштиёқ, маҳорат ва юсак дид билан яратилган мейморий обидалар, мадрасаю масжидлардаги муқарнас санъати жиллолари акс этган гўмбазу равоқлар, кошин ва нақшошлик намуналари, қолаверса, миллий кийимлар, нафис буюмлар асрлар оша кишиларни ҳайратга солаётди. деярли ҳар бир туман ва шаҳарда хунармандлар марказлари, бозорлар ҳамда савдо мажмуаларида махсус расталар ташкил этилган. "Хунарманд" уюшмаси вилоят бўлими раҳбари Абдумалик Сулаймоновнинг айтишича, айна кунда вилоятимизда 900 нафарга яқин фуқаро хунармандчиликнинг зар-

Давоми 2-бетда. ➡

Пайшанба – жиноятчиликнинг олдини олиш ва профилактика куни

ТАРБИЯГА ЛОҚАЙДЛИК – КЕЛАЖАККА ХИЁНАТДИР

"Бир болага етти маҳалла ота-она" деган нақл бежиз айтилмаган. Зеро, фарзанд тарбиясига эътиборсизлик турли кўнгилсизликлар юз бериши, ҳатто, жиноятга сабаб бўлиши мумкинлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди. Шу каби дилхираликларнинг олдини олиш мақсадида вилоят ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари, профилактика инспекторлари томонидан турли давра суҳбатлари, учрашувлар ўтказилмоқда.

Жумладан, Чиноз туманида профилактика инспекторлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар, хотин-қизлар кўмитаси, таълим ва соғлиқни сақлаш муассасалари, "Камолот" ЕИҲ, ўзини-ўзи бошқариш органлари вакиллари, имом-хатиблар ўзаро ҳамкорликда маҳалла, мактаб ва касб-хунар коллежларида ана шун-

дай тарбия-ташвиқот учрашувлари ташкил этилди. Таълим муассасаларида ўқувчиларнинг дарслардаги давоматини ўрганиш жараёнида бир қатор камчиликлар кўзга ташланди. Хусусан, 9-умумтаълим мактабда мунтазам дарс қолдирувчи, оилавий шароити оғир ўқувчилар борлиги аниқланди. Шунингдек,

ишчи гуруҳ аъзолари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 164-моддаси билан жиноят содир этган ўқувчининг хонадонига бўлиб, оилавий шароитини ўрганишди.

"Давомат" тадбирлари доирасида 18 ўқувчи сабабсиз дарсга қатнашмаётгани аниқланиб, уларнинг ота-онасига нисбатан тўпланган ҳўжатлар қонуний чора кўрилиши учун ҳокимлик ҳузурдаги вояга етмаганлар билан ишлаш комиссиясига юборилди. 12 нафар шўбхали шахс милиция таянч пунктларига келтирилди, 18 фуқарога нисбатан баённомалар тузилиб, маъмурий чоралар белгиланди.

Давоми 2-бетда. ➡

1 март – Ўзбекистон халқ шоираси Зулфия таваллуд топган кун

ИБРАТ КЎЗГУСИ

Эъозлар, ардоқлар учун ташаккур, Асли Сиз офтобим, мён зиёсиман. Тонглариңиз кулсин дориламон, хур, Бахтим шул – ўзбекининг Зулфиясиман.

Ушбу сатрлар адабиётдан бир оз бўлсада хабардор каттаю кичикка яхши таниш. Зулфияхоним кўламнинг илк кунинда дунёга келгани сабабми, сатрларида баҳорий ҳарорат, ҳамал тонглиридек беғуборлик, зилол сувга тўлган анҳорлардагидек салобат яққол кўзга ташланади. Шоиранин шеърларидаги кенглик, теранлик, ҳаётийлик ҳақида кўп муносиб фикрлар айтилган. Лекин, у кишининг азиз номи тарихга, миллионлаб қалбларга меҳру ардоқ билан муҳрлаган жиҳат фақат асарларигагина боғлиқ эмас.

Оналик бурчи, ёрлик садоқати, аёллик гурури, устозлик меҳри, раҳбарлик жасорати, жамият учун сидқидилдан қайғуриш каби кўп қабатли одамийлик сифатлари сабаб Зулфияхоним Ўзбекистон қизларига ибрат кўзгуси бўлди. Айнан шунинг учун 1999 йилдан бошлаб юртимизда Зулфия номидаги Давлат мукофоти таъсис этилди. Мазкур мукофот адабиёт, фан, таълим ва маданият йўналишларида иқтидори, билими, интилиш ва ютуқлари билан тенгдошларига ўрнатилган қизларга тақдим этилаётгани уларнинг қалбини фахру ифтихорга тўлдириб, келгусида ҳам янада улкан муваффақиятларни қўлга киритишда куч-гайрат бағишламоқда. Зеро, Зулфияхоним ўзи бошчилик қилган "Саодат" журнали муҳити орқали кўп қабатли қобилиятли хотин-қизларнинг юзага чиқишига кўмак берганди.

Нафақат ижодий жараёнларда, балки кундалик турмушда ҳам Зулфияхоним кўпгина қизларга оналик меҳрини бера олган, оқ йўл тиллаган. Биргина мисол. Ўзбекистон халқ шоири Тўра Сулаймоннинг қизи Юлдузхон опа шоиранинг уйда яшаб, олий ўқув юрти имтиҳонларига ҳозирлик кўради. Кейинчалик ҳам Зулфияхоним Юлдузхондан мунтазам хабар олиб, сўлими Бахмал туманига тез-тез мактублар йўллайди.

Давоми 4-бетда. ➡

ХАЛҚ БОЙ БЎЛСА, ДАВЛАТ ҲАМ БОЙ ВА ҚУДРАТЛИ БЎЛАДИ

Мамлакатимиздаги ҳар бир туман ихтисослашувидан келиб чиққан ҳолда жамғарма таъсисчилигида 79 агрофирма ташкил этилди. Утган даврда мазкур агрофирмалар жамғарма кўмагида 692 миллион 483 минг долларлик экспорт шартномаларини имзолади.

Жорий йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш, уларга товар ва хизматларини ташқи бозорга чиқаришда яқиндан кўмаклашиш борасидаги ишларимизни янги босқичга кўтаришни мақсад қилганмиз.

Жамғарма таъсисчилигида янги тадбиркорлик субъектларини ташкил қилиш орқали экспортбон маҳсулотлар ишлаб чиқаришга йўналтирилган 50 миллион доллардан ортиқ қийматдаги лойиҳаларни амалга оширишни белгилаб олганмиз. Бунинг натижасида 1,5 мингдан ортиқ иш ўрни яратиш, хорижий бозорларда юқори талабга эга экспортбон маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, йилига 25 миллион доллар қийматидаги маҳсулотларни экспорт қилишга эришилади.

Яна бир устувор вазифамиз – тадбиркорларга 500 миллион доллардан кам бўлмаган қийматдаги лойиҳаларни молиялаштиришда бизнес-режа тайёрлаш ва зарур ҳужжатлар-

ни банка топширишда кўмаклашиш. Бу Ўзбекистоннинг экспорт салоҳиятини ошириш, жумладан, мамлакатимиз ҳудудларида хориждан замонавий технология ва ускуналарни олиб келиш орқали жаҳон талабларига мос ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этиш, янги турдаги экспортбон маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва янги иш ўринларини яратиш имконини беради.

Жамғарма таъсисчилигида ташкил этилган агрофирмалар жорий йилда 250 миллион доллардан ортиқ қийматдаги маҳсулотларни экспорт қилиши режалаштирилган. Уларда мавжуд ишлаб чиқариш қувватларини модернизация қилиш ва янгиларини яратиш бўйича кўшимча лойиҳаларни амалга оширишни олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз. Бу билан мамлакатимизда етиштирилаётган мева-сабзавот маҳсулотларини сақлаш, саралаш, қайта ишлаш бўйича янги қувватларни ташкил этиш, мева-сабзавот маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш орқали умумий экспорт ҳажмида юқори кўшимча қийматга эга бўлган маҳсулотларнинг улушини кескин оширишга эришилади.

Бу йил турли мамлакатларда ўтказилган халқаро миқёсдаги 20 кўргазма ва ярмаркада тадбиркорлар иштирокини ташкиллаштиришни кўзда тутишимиз. Бу орқали 250 миллион доллардан ортиқ

экспорт шартномалари имзоланиши кутилмоқда.

Жамғарма жорий йилда ҳам мамлакатимиз тадбиркорларига хорижий давлатларнинг қонунчилигиндан келиб чиқиб талаб этиладиган сертификат ва лицензиялар, шу жумладан, ISO, Global Gap, TUV ва бошқа халқаро сифат сертификатларини олишда тизимли ва изчил кўмак кўрсатмоқда. Натижада, маҳаллий тадбиркорларимиз ишлаб чиқарадиган маҳсулотларнинг жаҳон бозорларида рақобатбардорлиги оширилади, экспорт географияси сезиларли даражада кенгайди.

Маркетингсиз, яъни, товар ҳаракатининг барча босқичида талаб ва таклифни ўрганмай, бозор муаммолари ечимида яхлит ва тизимли ёндашмай туриб, экспорт ҳажмини оширишнинг мутлақо имкони йўқ. Шу боис, жорий йилда жамғарма мутахассислари 173 мамлакатнинг маҳсулот ва хизматларга бўлган талабни ўрганиш орқали тадбиркорларимизга хорижий ҳамкорлар топиш ва экспорт шартномалари имзоланишида кўмаклашишни мақсад қилган. Жумладан, фермер хўжаликлари учун янада қулай шартнолар яратиш мақсадида МДҲ, Европа, Жануби-шарқий Осиё мамлакатларида юқори талабга эга қатлаоқ хўжалиги маҳсулотларининг навлари, уларнинг нархлари ва импорт ҳажмларини ўрганиш бўйича маркетинг

тадқиқотлари ўтказилмоқда.

Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилида тадбиркорлар ичига кириб, уларни йўналтираётган, хусусан, корхоналарни экспорт фаолиятига жалб этишда юзага келадиган муаммолари масалаларни изчил муҳокама қилиш – доимий эътиборимизда.

2017-2021 йилларда мамлакатимизни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида тадбиркорлик субъектларининг муҳандислик-коммуникация тармоқларига улашни бўйича шартномада кўрсатилган ҳаракатларни қамайтириш, тадбиркорлик субъектларини электр тармоқларига улашни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни унификациялаш масаласи белгиланган. Бу тадбиркорлик субъектларини муҳандислик-коммуникация тармоғига улаш тизимини янада такомиллаштириш, унинг муқаддатлари ва харажатларини қисқартириш. Натижада, экспортбон маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналаримизга катта қулайлик яратилади.

Жамғарма зиммасига юклатилган устувор вазифаларга эришишда 2017-2021 йилларда мамлакатимизни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси муҳим дастурий-амал бўлади. Бу – босиб ўтилган йўл, ортирчилган тажриба-

ни ҳолисона баҳолаш, эришилган ютуқларни таҳлил қилиш ҳамда замон талабларидан келиб чиққан ҳолда, мамлакатимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада барқарор таъминлаш йўлидаги энг долзарб масалалар ечими, уларга эришиш йўллари ва усуллари белгилаб олинди, дегани. Ҳаракатлар стратегиясининг аҳоли кенг қатлами, жамоатчилик ва ишбилармон доиралар вакиллари, давлат органларининг раҳбарлари ва мутахассислари иштирокида тизимли, батафсил ва чуқур муҳокамалардан ўтказилган маҳкам марраларга эришиш жараёнини самарали ташкил қилиш имконини беради.

Бу ислохотлардан кўзланган пировард мақсад битта – халқимизни ҳаётдан рози қилиш, бой қилиш. Бунга одамларни тадбиркорликка, ишбилармонликка ўргатиш, кичик бизнес ва тадбиркорлик соҳасини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш орқали эришиш мумкин. Зотан, Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек: "Халқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва қудратли бўлади".

Жаҳонгир МУСТАФОВ,
Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ижрочи директори.
Ў.А.

Қишлоқдан мактублар

Бугун юртимиздаги қайси соҳага назар ташламанг, Президентимиз раҳбарлигида улкан ўзгаришлар, кенг ва чуқур ислохотлар амалга оширилаётганига гувоҳ бўласиз. Хусусан, Президентимизнинг шу йил 3 февралдаги "Маҳалла институтини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ўзини ўзи бошқаришнинг давлат ва жамиятдаги ўрни янада мустаҳкамлашида муҳим дастуриямал бўлиб хизмат қилмоқда.

МАҲАЛЛАМИЗДА ТАДБИРКОРЛАР КЎП

Эндиликда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари, яъни маҳаллани аниқ манзилли ижтимоий ҳимоялаш, оилаларни мустаҳкамлаш, ёшлар ҳуқуқий маданиятини ошириш, кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш марказларига айлантиришга ҳамда маҳалла нуфузини оширишга эътибор кучайтирилмоқда.

Бугун Ўзбекистонимизда ишнинг кўзини биладиган, халқимиз, юртимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшишга бел боғлаган азм қатъий ишбилармон ва тадбиркорларга эмин-эркин фаолият юритишлари учун имкониятлар эшиги кенг очилди. Уларга ўз фаолиятини самарали бошлашлари учун банклардан имтиёзли кредитлар ажратилмоқда. Бу ишда маҳалла фуқаролар йиғини фаоллари ҳам тадбиркорга яқин кўмакдош бўлмоқда.

Маҳаллаимизда 2 минг 65 аҳоли истиқомат қилади. Банкларнинг паррандачилик ва чорвачиликни ривожлантириш мақсадида бераётган кредитларидан фойдаланаётган тадбиркорларимиз бозорлар тўқинлиги ҳамда

маҳаллада аҳоли бандлигини таъминлашга ҳисса қўшишмоқда. Худудимиздаги Мунира Ҳақимова раҳбарлик қилаётган "Эски Жўва бизнес" масъулияти чекланган жамияти мисолида гапирадиган бўлсак, тадбиркор тухум ва гўшт учун товуқ парваришлайди. Яқинда маҳалла фаоллари кўмагида тадбиркор аёл паррандалар учун ем ишлаб чиқаришни ҳам йўлга қўйди. Мунира опа қўшимча цехни ишга тушириш ҳисобига паррандабон озукани янада кўпайтириш чораларини кўрмоқда. Маҳалла фаоллари билан ҳисоб-китоб қилиб чиқдик. Қўшимча тармоқ ишга туширилгач яна 35 киши иш билан таъминланади. Маҳаллаимизда 10 га яқин шундай ишнинг кўзини биладиган тадбиркорлар яшайди.

Президентимиз таъкидлаганидек, одамлар бой бўлса, давлат бой бўлади. Зотан, давр ҳар биримиздан тадбиркорлик билан шуғулланиб, эл-юрт тараққиётига ҳисса қўшишни тақозо қилмоқда.

Баҳодир МАҲКАМОВ,
Зангиота туманидаги "Маданият" маҳалла фуқаролар йиғини раиси.

Саломатлик

Бугунги кунда жамият негизи бўлмиш оила-ларни мустаҳкамлаш, уларда соғлом турмуш тарзини шакллантириш устувор вазифалардан бирига айланган. Олий Мажлис қошидаги нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди бу борада самарали ишларни амалга оширмоқда.

ТИББИЙ САВОДХОНЛИК ТАРҒИБОТИ

Фонднинг молиявий кўмаги билан Зангиота академик лицейида вилоят "Ижтимоий ҳимоя" жамияти, хотин-қизлар кўмитаси, ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари, тиббиёт бирлашмаси ҳамда Саломатлик ва тиббий статистика институти вилоят бўлими, шунингдек, ўзини ўзи бошқариш идоралари ҳамкорлигида "Соғлом оилага – маънавияти соғлом авлод билан" лойиҳаси

бўйича ташкил этилган тадбирда туман тиббиёт бирлашмаси шифокорлари, маҳаллалар фаоллари ва лицей ўқувчилари иштирок этди. Тадбирда аҳолининг тиббий саводхонлигини ошириш, соғлом фарзандни дунёга келтириш, эрта ва қариндошлар ўртасидаги ниҳолларнинг салбий оқибатлари хусусида сўз юритилди.

Лазиз ИСОҚОВ.

Учрашув

Тошкент Давлат аграр университетиде "Ёшлар наشرлари кунлари" лойиҳаси бўйича тадбир бўлиб ўтди. Унда "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати муассислигидаги наشرларнинг ижодий ходимлари, ишлаб чиқариш корхоналари вакиллари, ҳаракат етакчилари ҳамда университет талабалари иштирок этди.

ЁШЛАР МАТБУОТИ ЁШЛАРГА МАЪҚУЛМИ?

Тадбирда ҳаракат муассислигидаги наشرларнинг бугунги кунда ёшлар ўртасида қай даражада омалашаётгани муҳокама қилинди. Катнашчилар ўртасида ўтказилган сўровномалар натижасида, ёшларнинг бугунги кунда қандай мавзулар қизиқтириши, бу борада ихтисослашган наشرларнинг фаолигини ошириш бўйича фикр-мулоҳаза ва

таклифлари ҳам тингланди. Ёшларни қизиқтирган масала ва муаммолар даврий наشرларимизда қай даражада ёритилаётганини ўрганиш бугунги кундаги муҳим масалаларимиздан бири ҳисобланади, – дейди вилоят кенгаши матбуот котиби Фулом Ортиқов. – Шуларни ҳисобга олган ҳолда, бу борадаги за-

рур чораларни кўраямиз. Мақсадимиз ёшлар эътиборини матбуотга жалб қилиш. Тадбир сўнида лойиҳанинг фаол иштирокчиларига вилоят кенгашининг эсдалик совғалари топширилди.

Абдулазиз МУСАЕВ,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири.
Қобилжон ҒОҒУРОВ
олган сурат.



2017 йил учун «Тошкент ҳақиқати» ва «Ташкентская правда» газеталарига обуна давом этмоқда!

ҲУНАРИ БОР – ЭЛДА АЗИЗ

Туман ва шаҳарлардаги йигирмадан зиёд "Устоз-шогирд" мактабларида юзга яқин йигит-қиз ҳунармандчиликнинг ана шу турларини кунт билан ўрганаётди. Ҳозирги кунда шундай масканлар сонини кўпайтириш, ҳунармандларнинг эмин-эркин фаолият олиб бориши учун яратилган шарт-шароитларни янада яхшилаш, уларнинг берилган имконият ва имтиёزلардан самарали фойдаланишини таъминлаш бўйича муайян ишлар бажарилмоқда.

Маълумотларга кўра, Зангиота, Янгийўл ва Қирғар туманлари, Ангрэн, Олмалик ҳамда Чирчиқ шаҳарларида соҳа, айниқса, яхши ривожланган. Кейинги пайтларда вилоятимизнинг бошқа туман ва шаҳарлари, хусусан, Бўстонликда ҳам ҳунармандлар сафи кенгайиб бормоқда. Бу ерда ёғоч ўймакорлиги билан шуғулланиб келаётганлар орасида Анвар Мўминов ҳам бор.

Ота касбини танлаган, қўли гул бу инсон вилоят "Ҳунарманд" уюшмаси аъзоси. Айни кунда у турли шакл ва ўлчамдаги қўлтичалар, шахмат-шашка дона ва тахталари, қаламдон, хонтахта, эшик-ром, стол-стул ва бошқа маҳсулотлар тайёрламоқда.

Уғли Фаррухнинг ҳам ёнига олиб, ҳунармандлар сулоласини давом эттириётган уста бор маҳорати билан ишга киришиб, нақшлар уйғунлиги



лий санъатининг сирли оламидан ҳабардор этмоқда. Сифатли ва арзон маҳсулотлари билан бозорларимизни тўлдириб, ҳунармандчилик раванкига катта ҳисса қўшаётди. **Ҳолмурод САЛИМОВ,** "Тошкент ҳақиқати" мухбири.

◀ Бошланғич 1-бетда.

Пайшанба – жиноятчиликнинг олдини олиш ва профилактика кун

ТАРБИЯГА ЛОҚАЙДЛИК – КЕЛАЖАККА ЖИЁНАТДИР

Профилактик тадбирлардан кўзланган асосий мақсад ўқувчиларнинг сабабсиз дарс қолдирмаслиги, белгиланган тартиб-қоидаларга тўла риоя этишларини доимий назорат қилиш бўлиб, бу масала нафақат кўнун ҳимоячилари, балки ота-оналарнинг ҳам алоҳида эътибор қаратишларини талаб этади.

Тумандаги 14-Болалар мусика ва санъат мактабиде ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш ҳамда вояга етмаганлар жиноятчилиги масалаларига бағишлаб ўтказилган йиғилишда туман ҳокими, халқ таълими бўлими, касб-хунар коллежлари ва умумтаълим мактаблари директорлари, "Маҳалла" ва "Нуроний" жамғармалари ходимлари иштирок этди. Унда тумандаги ноҳусо ҳолатлар ҳалигача бартараф этилмагани, жиноятлар камайиш ўрнига кўпайгани, бунга сабаб маҳалла, ИИБ ҳамда тегишли ташкилотларнинг ҳамкорлиги тўғри йўлга қўйилмагани эканлиги таъкидланди. Шунингдек,

коллектив битирувчиларини иш билан таъминлашда йўл қўйилаётган камчиликлар ҳақида ҳам фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Бука туманида ИИБ ва бошқа ҳуқуқий муҳофаза қилиш органлари ходимлари билан ҳамкорликда ўтказилган шу каби тадбирларда жиноятчиликнинг олдини олиш чоралари ва профилактика масалалари юзасидан аҳоли билан очик мулоқот ташкил этилди. Унда туман марказий бозориде талончилик содир этган агросаноат ва транспорт касб-хунар коллежи ўқувчисининг жиноий қилмиши унинг ота-онаси ҳамда ўқитувчилари иштирокиде муҳокама этилди.

Ангрэн шаҳридаги 18-умумтаълим мактаби, "Тараққиёт", "Нуробод" ва "Гўзал" маҳаллаларида ўтган учрашуларда жиноятларнинг келиб чиқиш сабаблари муҳокама қилиниб, уларнинг олдини олиш борасида атрофлича суҳбатлашилди. Хусусан, "Тараққиёт" маҳалласида содир бўлган ўғирлик ва бунга

алоқадор шахсларнинг қилмиши хусусида фикр алмашилди.

Мазкур жараёнда профилактика инспекторлари фаолиятини янада такомиллаштириш, уларга қулай шартнолар яратиш муҳим ҳисобланади. Бу борада шаҳарда самарали ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Ангрэн шаҳар ҳокимининг "Ангрэн шаҳар ички ишлар бўлимининг ҳуқуқбузарликларни олдини олиш бўлими" профилактика инспекторларига хизмат бинолари ажратиш тўғрисида"ги қарори асосида 10 нафар профилактика инспектори хизмат уйи ва 5 нафари автомашина билан таъминланди.

Буларнинг бари жиноятчиликнинг олдини олиш, ёшлар орасида ҳуқуқбузарлик ҳолатларининг камайишига ҳисса қўшади. Зеро, эртаими эгалари бўлмиш ёшларнинг баркамол бўлиб вояга етишларига ҳар биримиз масъулмиз.

Нурриддин АБДУЛЛАЕВ,
катта лейтенант.

ТАҲЛИЛ ВА ХУЛОСАЛАРГА ТАЯНИБ

зарур чора-тадбирлар белгиланмоқда

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан жорий қилинган профилактика кун муносабати билан вилоят прокуратураси органлари томонидан кенг қамровли профилактик тадбирлар ўтказилмоқда. Асосан аёллар, айниқса, ёшлар кенг қамраб олинаётган бундай учрашув ва давра суҳбатларида Ватан, мустақиллик ва тинчликнинг нақадар

бебаҳо неъмат, уни асраб-авайлаш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиз экани таъкидланмоқда. Шунингдек, сўнги бир ҳафта мобайнида худудларда содир этилган жиноятчилик ва унинг келиб чиқиш сабаблари муҳокама этилаётди. Таҳлилларга таяниб, келгусида бу каби ҳолатлар такрор бўлмаслиги учун зарур чора-тадбирлар белгиланаётди.

Кайд этилганидек, якунланган ҳафтада шаҳарда фирибгарлик, ўғирлик ва йўл-транспорт қоидаларини бузиш билан боғлиқ 8 та қонунбузарлик ҳолатлари кузатирилган. Шундан иккитаси қасддан баданга шикаст етказиш бўлиб, мазкур ҳолатлар "Истиқбол" ва "Мустақиллик" маҳаллаларида қайд этилган.

Тадбирда мазкур жиноятлар ва уларнинг келиб чиқиши сабаблари муҳокама этилиб, зарур чора-тадбирлар белгилаб олинди.

У. АЪЗАМОВ,
вилоят прокуратураси бўлим прокурори.

◀ Бошланғич 1-бетда.

◀ Бошланғич 1-бетда.

Фермер хўжалиги худудини кўздан кечириб туриб, ичкирига киришга ошқандир эканмиш, қаёқдандир овоз эшитилди: — Тўхтан! У ёққа кириш мумкин эмас!..

Қизиқ бўлди-ю! Биз фермернинг залворли одимлари ҳақидаги ҳикоямишга материал ахтариб юрган бўлсак-у, бу ёққа манавинақа чапани "манзират"га дуч келсак...

— Ақалар, қорамол жудаям сезгир жонивор. Ёт кишини дарвор сезади, иннайкейин, биз уни бегона кўзлардан асраймиш.

— Индаллосига ўтин, нима демоқчисиз, ука? Биз ҳам қўй кўрмаган бўлсак-да, қий кўрганмиш, — деймиш "мухбирона" расмиятчилик билан.

— Индаллоси... Бу жониворнинг табиати жуда нозик келади. Шунга...

Хуллас, шу алфозда танишдик. Австралиядан келтирилган зотдор қорамолларга ем-хашак солиб юрган қорамогиз, қорувли бу йигит фермер хўжалиги раҳбари Анвар Мунавваровнинг ўғли Акбаржон экан. Тошкент Давлат аграр университетининг зоотехника факультетини тамомлаган қахрамониш, айни пайтда хўжаликнинг иш бошқарувчиси, отанинг издоши бўлиб етишибди. Кавш қайтарганча солимини ҳузур билан чайнаётган зотдор наслар эса, ё тавба... Акбаржоннинг ҳар бир хатти-ҳаракати диққат билан тикилиб турарди. У юрса, ўша томонга ҳаракат қилади, қўл узатса, пешонасини тутди, фермер йигит меҳрибончилик билан говмишни бир ниқтаб кўяди...

Айтадиларки, "хайвон" сўзи аслан "тирик жонзот" деган маънони англатар экан. Табаобат илмининг пири Ибн Сино

бобомиз ҳам "Хайи ибн Яқзон", яъни "Уйғоқ ўғли Тирик" деган фалсафий асар ёзгани маълум. Тирик жонзотнинг эса... руҳи, кайфияти бўлади. Акбаржоннинг қаҳқон ҳаракатлари, жониворлар билан дўстона "тил-

қоладилар, бафуржа сўх-таблаларсиз. Қисқаси, кўриб турибсиз, бугун замона шитобига дош беролмайдиган раҳбарлар, тўрачилик касрига дучор бўлганларнинг кўзи мошдек очилди. Худого шукри, ҳалол меҳнат ва тад-

гарчиликка тўйинган қоратпроқ майдонларга қараганча давом этади: — Жами 15 та ишчимиз бор. Энди уларни ишчи дейиш ҳам ўнғайсиз-да, ака. Улар билан бир оиламиз, десак отамнинг айтганига мос келади. 135

ҳамма ишлар қатъий тартиб-интизом асосида олиб борилади. Дарҳақиқат, тартиб бўлган жойда барака унади. Товуқхонадан тухумлар тўла кутини кўтариб чиқатган Акбаржон кўз ўнғимизда энди янада улғая-

ди, келажак режаси, истиқбол орзусидан гап очилди. Романнинг бир боби "Истиқбол орзуси" деб аталади, дейман Акбаржонга қарата. "Ҳа, билмаман. "Истиқбол орзуси"ни неча марта лаб ўқиганман. Менинг орзуим... Биласизми, келажакда фермер хўжалигимизни халқаро майдонларда, дунё савдо-сотик бозорининг тўрида кўргим келади..."

...Қурама қирларига шом салқини тушди. Хадемай очқом чўка бошлади. Хўжалик раҳбари Анвар ака билан учрашиш nasib этмади. Эҳтимол, шуниси маълум бўлгандир. Чунки, асл қахрамонлик ўша қахрамонлик руҳиятини ён-веридиғиларга, аввало, авлодларига юқтира билишда, назаримизда. Кўрганимиз-қузатганимиз "Ҳожи-Акбар" кўп тармоқли фермер хўжалигида баайин шу ҳосият бор экан. Тадбиркор Анвар Мунавваровнинг мунаввар оламига ҳавас ва ҳайрат билан хайр-хўш айтиб, ортага қайтаётганимизда хаёлан унга салом йўллайман:

ЖАМОАТЧИЛИК ҚАБУЛХОНАЛАРИ

муружаатлар билан ишлашда самарали бўлганга айланмоқда

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Тошкент вилояти шаҳар ва туман кенгашлари қошидаги жамоатчилик қабулхоналари шу йилнинг ўтган даврида фуқаролардан 70 та муружаат келиб тушган. Муружаатларнинг етмиш фонзи ижобий ҳал этилган. Қолганлари юзасидан қўшимча ўрганишлар олиб борилмоқда.

Партиялар ҳаётидан

Ўзбекистон ХДП вилоят, шаҳар ва туман кенгашлари ҳамда бошланғич партия ташкилотлари томонидан энг аввало, электрот манфаатларини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Буни партиянинг жамоатчилик қабулхоналари фаолияти мисолида ҳам кўриш мумкин.

— Ҳар бир сиёсий партия ўз электорати манфаатларини самарали ҳимоя этиши учун, аввало, уларни ташвишга солаётган масалаларни чуқур билиши керак, — дейди Ўзбекистон ХДП вилоят кенгаши раиси М. Дархонов. — Сиёсий партиянинг электрот билан алоқалари, унинг муаммоларини ўрганиш йўллари турлича бўлиши мумкин. Бу борада партиямиз ўзига хос тажрибага эга. Хусусан, жойларда 18 та жамоатчилик қабулхонаси ташкил қилинган. Уларга келиб тушган муружаатларга жойлардаги партия ташкилотлари ва уларнинг Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги гуруҳлари кўмаги билан ижобий ечим топиш, аҳолининг ижтимоий-иқтисодий ва бошқа муаммоларини ҳал этишда кўмаклашиш асосий мақсад қилиб олинган.

Ўтган йили мазкур қабулхоналарга қарий мингта муружаат келиб тушган. Уларнинг асосий қисмини коммунал, иш билан таъминлаш, соғлиқни сақлаш, халқ таълими соҳалари ҳамда банкдан кредит олиш масалалари таш-

кил этади. Ушбу муружаатларнинг 72,3 фоизи ижобий ҳал этилган. Айримларига юридик маслаҳатлар берилган бўлса, қолганлари назоратга олинган.

— Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари манфаатларини ҳимоя этиш партиямизнинг устувор йўналишларидан ҳисобланади, — дейди партия вилоят кенгашининг аҳоли бандлиги ва ижтимоий сиёсат масалалари бўлими мудири Ф. Исроилов. — Мазкур вазифаларни амалга оширишда жамоатчилик қабулхоналари алоҳида ўрин тутмоқда. Шу боисдан, ҳафтанинг ҳар пайшанба ва жума кунлари маҳаллий партия кенгашлари, Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги депутатлари билан биргаликда худуддаги маҳаллалар, чекка-чекка қишлоқларда кўчма жамоатчилик қабулхоналари ташкил этиляпти.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, жамоатчилик қабулхоналарига келиб тушаётган муружаатларнинг мазмун-моҳиятига эътибор қаратиш, унинг ечимига ўз вақтида, масъулият билан ёндашиш одамларнинг партияга бўлган ишончини янада мустаҳкамлайди. Ана шундагина партиянинг дастурий мақсад ва госялари, шунингдек, сайловолди дастурида белгиланган вазифалари ҳаётида ўз аксини топади.

Авваб ХУДОЙҚУЛОВ,
"Тошкент ҳақиқати"
мухбири.

Орамиздаги одамлар

БАХТДАН БАҲРА ОЛАЁТГАНЛАР

ёхуд ҳаётни мунаввар қилаётган Мунавваровлар ҳақида ҳикоя

Анчадан буюн доврўғини эшитиб, одамларнинг тилида юрган иллик-иссиқ гаплардан мутаассир бўлиб юрганимиз — Оҳангарон туманидаги "Ҳожи-Акбар" кўп тармоқли фермер хўжалигига йўл олар эканмиш, сал ўтиб юзлашажақ галдаги қахрамонимизга аталган саволлар қайта-қайта хаёлдан ўтарди. Табиийки, "Қачондан бошлаб...", "Даромад ва буромад...", "Галдаги режаларингиз ҳақида..." қабилидаги саволларнинг жавоби, тадбир ва таъбиримиз нақадар бақамти келгани кейинроқ, кўча ва навқирон Қурама кенгликларида ястаниб ётган баҳмал қирлар пойида Акбар Мунавваров билан суҳбатимиз давомида маълум бўлди.

лашиши"га ҳавас ва ҳайрат билан қараб турган пайтимизда хўжалик ишлари ҳақида ҳикоя қилиб берди.

— Фермерлик ҳаракатини 1992 йилда бошлаганмиш. Йиллар ўтиб кетаверади, инсондан эса яхшилик, эзгулик қолади, дўстони. Отамиз шунча йил эл кезиб, кетмон чопиб, оила аъзоларимизнинг бошини қовуштирдилар. Мана, хўжаликни оёққа тургазиб олдик. Энди энди иш бошлаган кунларимизда катта қийинчиликка дуч келганмиш, шу ўзимиздан чиққан айрим раҳбарлар ер ислохоти моҳиятини англамай, эҳтимол англашни истамай дейиш тўғрисида, хуллас, ҳали у, ҳали бу масалада сарсон-саргардон қилишга уриндилар. Дадаим ҳозир у дамларни фақат қулиб эслайдилар. "Ўйлаб кўрсам, синов йиллари бўлган экан..." деб кўядилар. Дарвоқе, отам ҳозир пойтахтда ўтаётган ярмаркага махсуслотларимиздан олиб кетганлар. Ҳализамон ўзлари ҳам келиб



биркорлик қадр топадиган замонда яшапмиш. Жамоа аъзолари билан қўлни-қўлга бериб, ёзинг жазирамаси-ю, қишинг қаҳратонини писанд этмай, эл-юрт олдига эътимизни ёруғ қилиш ниятида меҳнат қилиб келаяпмиш. Ҳозир эллик бош зотдор қорамолимиз бор. Уларнинг ҳар бири кунига 15-20 литрдан сут беради.

Қоғоз-қаламни шитирлатиб, Акбаржоннинг сўзларини қандоқ бўлса шундайлигича рақам этмоққа чоғланамиз. У эса ястаниб ётган кенг далага — кузги шудгордан сўнг қуёшдан нур эмиб, нам-

ди. Боягина Австралиянинг "Симментон" насли қорамолларини "гах" деб йўриғига юргазган бу йигит, эндиликда тамомила бошқа қиёфада, гоят эътиборлаб парранданинг билгичи, синчиси бўлиб турарди.

Биз фермер йигит билан яна узоқ суҳбатлашдик. Гап орасида китобдан мавзу очилди. "Ўткан кунлар"ни ўқиганимизиз? — деб сўрайди суҳбатдошим. "Ўткан кунлар", тадбирли, марди Худо Отабек, замҳарир кунларда доволар ошиб келажак ёрени кутаётган шафодор Қумуш бека... Шу тариқа суҳбатимиз қалбга кўча-

ди. Боягина Австралиянинг "Симментон" насли қорамолларини "гах" деб йўриғига юргазган бу йигит, эндиликда тамомила бошқа қиёфада, гоят эътиборлаб парранданинг билгичи, синчиси бўлиб турарди.

Биз фермер йигит билан яна узоқ суҳбатлашдик. Гап орасида китобдан мавзу очилди. "Ўткан кунлар"ни ўқиганимизиз? — деб сўрайди суҳбатдошим. "Ўткан кунлар", тадбирли, марди Худо Отабек, замҳарир кунларда доволар ошиб келажак ёрени кутаётган шафодор Қумуш бека... Шу тариқа суҳбатимиз қалбга кўча-

Қадрли Анвар ака!
Сизнинг саъй-ҳаракатларингиз орқасида маъмур бўлаётган, रिэк унаётган, барака гуллаётган заминда меҳмон бўлдик. Билмаман, ҳозир сиз навбатдаги режалар иштиёқда фикрдошлар даврасида ўйлаб суҳбатлашганмиш. Шунинг билан, сиз ва сиз каби гайратли фермерлар муваззам карвонини ҳаракатга келтирувчи беқиёс кучдир. Қадим олимизнинг дуруст. Келгуси ишларингиз баравж бўлган нурли кунларда учрашгунча..."

Қадрли Анвар ака!
Тошкент ҳақиқати
мухбири **Беход ҚОБУЛОВ.**
Қобилжон ҲОҲУРОВ
олган суратлар.

Кўргазма

Пойтахтдаги республика Иختисослаштирилган санъат мактаб-интернатининг кўргазмалар залида расом Муртазо Эргашевнинг Ўзбекистон Бадий академияси ташкилотларининг 20 йиллигига бағишланган "Устоз излаб" деб номланган кўргазмаси очилди.

КАТТА ҲАЁТ КЎПРИГИ

М. Эргашевнинг экспозицияга қўйилган рангтаъбир ва графика йўналишидаги ижод намуналарида мамлакатимизнинг гўзал табиати манзаралари, замондош портретлари, тарихий шаҳарларимизнинг меъморий ёдгорликларини сақлаб қолган тураржойларнинг қадимий кўринишлари, миллий қадрият ва турмуш тарзимиздан лавҳалар акс этган. Улар қаторида Тошкент вилоятининг гўзал манзаралари тасвирга туширилган "Хумсонга йўл", "Кундалик юмушлар", "Тогдаги булоқ", "Кўёш нури", "Гўзал кўз", "Дала ҳовлида", "Сой", "Ўйноқи сув. Угом дарёси", шунингдек, Оқтошга бағишланган "Енғоқзор", "Шаршара", "Шамоил", Сўқоқ қишлоғи манзараларига оид "Қизил томлар", "Кўприк" каби асарлари намойиш қилинмоқда.

— Расмдаги тахталари синиб, қўчиб кетган, ўтиш хавфли бўлиб қолган "Ҳаёт кўприги" олдига ҳадиксираб турган болакай мен ўзимман, — дейди Муртазо Эргашев. — Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими даражасига етқунимча босиб ўтган машаққатли ижод йўлиминан айнан шу расм орқали баён этишга ҳаракат қилганман.

Ҳасан АБДУНАЗАРОВ.

КИТОБХОНЛИК МАВЗУИГА БАҒИШЛАНДИ

Пискент туманидаги 20-умумтаълим мактабида "Китобхонлик — инсониятнинг маънавий кўзгусидир" деб номланган тадбир бўлиб ўтди.

Тадбир

Маънавият тарғибот маркази, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди туман бўлими томонидан ташкил этилган тадбирда "Чимқўрғон" маҳалла фу-

қаролар йигини фаоллари, мактаб ўқитувчи ва ўқувчилари ҳамда ота-оналар иштирок этди. Учрашувда ёш авлоднинг интеллектуал сало-

ҳиятини юксалтириш, болаларда китобга меҳр уйғотиш, ўқувчи ва ота-оналар орасида мутолаа кўникмасини ҳосил қилиш, таълим муассасаларини бадий, маърифий, илмий-оммабон ва тарбиявий аҳамиятга эга адабийётлар билан таъминлаш, жойларда маънавий тарғибот ишларини янада кучайтириш

юзасидан фикр алмашилди. Мактаб ўқувчилари китобхонлигининг ўрни ва аҳамиятини саҳна кўринишлари, шеър ва кўшиқлар орқали намойиш этди. Ота-оналар томонидан мактаб кутубхона фондидан бойиш мақсадига бадий китоблар туркуми тақдим этилди.

Юлдузхон МУҲИДДИНОВА,
"Тошкент ҳақиқати"
мухбири.

Реклама ва эълонлар

"AUTO GARANT BUSINESS" МЧЖ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КОРХОНАСИ БОШЛАНГИЧ БАҲОСИ БОСКИЧМА-БОСКИЧ ОШИБ БОРИШИ ТАРТИБИДА ЎТКАЗИЛАДИГАН ОЧИК АУКЦИОН САВДОСИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

2017 йил 23 март соат 11.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига қўйиладиган қўшма маълумотлар тақридан қўйилмоқда: Тошкент вилояти, Оққўрғон тумани СИБ томонидан ФИБ Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманлараро судининг 24.11.2016 йилдаги №5215/16-сонли ижро варақасига асосан хатланган: 1. Тошкент вилояти, Оққўрғон тумани, Яралхўжаев кўчаси манзилида, умумий 2297

"REALTOR GARANT BUSINESS" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

2017 йил 23 март соат 11.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига қўйиладиган қўшма маълумотлар тақридан қўйилмоқда: Тошкент вилояти, Оққўрғон тумани, Зебиносо кўчаси, 15-й манзилида, умумий 600 кв.м. майдонда жойлашган нотуражой бино ва иншоотлари, бошланғич баҳоси - 275 000 000 сўм. Аукцион савдоси Тошкент

шакри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-й манзилида бўлиб ўтади. Қўриқдаги қўшма маълумотлар тақридан қўйилмоқда: Тошкент вилояти, Оққўрғон тумани, Зебиносо кўчаси, 15-й манзилида, умумий 600 кв.м. майдонда жойлашган нотуражой бино ва иншоотлари, бошланғич баҳоси - 275 000 000 сўм. Аукцион савдоси Тошкент

бир иш куни қолганда соат 16.00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш истагида бўлган талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси - "REALTOR GARANT BUSINESS" МЧЖнинг ХАТБ "Universal bank" Тошкент шаҳар филиалидаги қўйиладиган ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000504936050001, МФО 00996, ИНН 207125885. Аукцион қолиби сотиб олган мулк қийматини 5 банк кунли мобайнида тўлалигича тўлаш шарт. Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-й. Телефон: (8371) 233-09-38. www.rgbusiness.uz. Лицензия: RR-0052.

Тошкент вилояти, Сангиота тумани суд ижрочилари бўлими томонидан № 855/15-сонли ижро варақасига асосан хатланган: 1. 1991 йилда ишлаб чиқарилган давлат рақами 11 Т 8391 бўлган Камаз-53212 (бортовой) русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси - 31 142 734 сўм. 2. 1984 йилда ишлаб чиқарилган давлат рақами 30 Т 6426 бўлган Камаз-53212 (бортовой) русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси - 20 029 199 сўм. 3. 1988 йилда ишлаб чиқарилган давлат рақами 30 У 4506 бўлган Камаз-53212 (фургон) русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси - 25 555 546 сўм.

Аукцион савдоси Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-й манзилида бўлиб ўтади. Қўриқдаги автотранспорт воситалари ва мол-мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Аризалар қабул қилишнинг охири мuddати 2017 йил 23 мартдаги аукцион савдоси учун 2017 йил 20 март кунини соат 16.00 гача. Аукцион савдосида қатнашиш истагида бўлган талабгорлар автотранспорт воситаси бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда ҳар бир автотранспорт воситаси учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси - "Auto Garant Business" МЧЖнинг "ASIA ALLIANCE BANK" ОАТБ Мирзо Улугбек тумани филиалидаги қўйиладиган ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 202080009048873050001, МФО 01103, ИНН 301829804. Аукцион қолиби сотиб олган автотранспорт воситаси қийматини 5 банк кунли мобайнида тўлалигича тўлаш шарт. Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-й. www.aqb.uz. Телефонлар: (371) 233-61-44, (+99895) 146-61-44. Гувоҳнома № 004593.

"AUTO TRADE COOPERATION" МЧЖнинг АУКЦИОН САВДОСИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

2017 йил 20 март соат 11.00 да бошланғич баҳоси ошиб бориши тартибида ўтказиладиган "Очик аукцион" савдосига қўйиладиган автотранспорт воситалари тақридан қўйилмоқда: 1. Бекобод шаҳар СИБ томонидан хатланган, "Бекобод-гўшт-сут-савдо" МЧЖ УХБда сақланаётган: ЖИБ Бекобод шаҳар судининг 22.07.2014 йилдаги 1-145-сонли ижро варақасига асосан 1999 йилда и/ч., д/р. 10М693ЕА, "ГБА-СПГ-ГАЗ-3110" р-ли, бошланғич баҳоси - 6 545 297 сўм; 1991 йилда и/ч., д/р. 10Х629ДА, "ВАЗ-2108" р-ли, техник носоз ав-на, бошланғич баҳоси - 3 728 504 сўм; ЖИБ Бекобод шаҳар судининг 06.03.2014 йилдаги 1-82-сонли ижро варақасига асосан, 1983 йилда и/ч., д/р. 10А462ВА, "ВАЗ-21083" р-ли ав-на, бошланғич баҳоси - 2 324 816 сўм; ЖИБ Бекобод шаҳар судининг 19.12.2013 йилдаги 1-412-сонли ижро варақасига асосан, 1982 йилда и/ч., д/р. 10К521ДА, "ВАЗ-2101" р-ли ав-на, бошланғич баҳоси - 2 259 726 сўм; ЖИБ Бекобод шаҳар судининг 25.09.2013 йилдаги 1-221-сонли ижро варақасига асосан, 2001 йилда и/ч., д/р. 10А355СА, "Дамас" р-ли ав-на, бошланғич баҳоси - 13 647 656 сўм; 2. Тошкент вилояти хўжалик судининг 18.02.2014 йилдаги 11-1334/15283-сонли ижро варақасига асосан Чиноз тумани, Янги-Чиноз қўрғони, Самарқанд кўчаси, 8-ўйда сақланаётган: 2001 йилда и/ч., д/р. 11А0277, "Мидибус 23,9" р-ли автобус, бошланғич баҳоси - 1 578 782; 2001 йилда и/ч., д/р. 11А0344, "Мидибус 23,9" р-ли авто-

бус, бошланғич баҳоси - 2 399 749 сўм; 2001 йилда и/ч., д/р. 11А0180, "Мидибус 23,9" р-ли автобус, бошланғич баҳоси - 804 131 сўм; 2002 йилда и/ч., д/р. 10273ААА, "Мидибус 24,9" р-ли автобус, бошланғич баҳоси - 3 985 839 сўм; 2001 йилда и/ч., д/р. 11А0338, "Мидибус 24,9" р-ли автобус, бошланғич баҳоси - 919 813 сўм; 2001 йилда и/ч., д/р. 11А0349, "Мидибус 24,9" р-ли автобус, бошланғич баҳоси - 919 813 сўм; 2001 йилда и/ч., д/р. 11А0356, "Мидибус 24,9" р-ли автобус, бошланғич баҳоси - 613 208 сўм; 2002 йилда и/ч., д/р. 10119ВАА, "Мидибус 24,9" р-ли автобус, бошланғич баҳоси - 4 041 302 сўм; 2001 йилда и/ч., д/р. 11А0278, "Мидибус 24,9" р-ли автобус, бошланғич баҳоси - 613 208 сўм; 2001 йилда и/ч., д/р. 11А0357, "Мидибус 24,9" р-ли автобус, бошланғич баҳоси - 3 372 642 сўм; 2001 йилда и/ч., д/р. 11А0339, "Мидибус 24,9" р-ли автобус, бошланғич баҳоси - 919 833 сўм; 2001 йилда и/ч., д/р. 11А0349, "Мидибус 24,9" р-ли автобус, бошланғич баҳоси - 2 301 863 сўм; 2002 йилда и/ч., д/р. 11А0155, "Мидибус 23,9" р-ли автобус, бошланғич баҳоси - 2 506 571 сўм; 3. Чиноз тумани СИБ томонидан хатланган, Чиноз тумани ИИБ ЙХБ жарима майдончасида сақланаётган: ЖИБ Оққўрғон тумани судининг 13.04.2015 йилдаги 1-113-сонли ижро варақасига асосан 1989

йилда и/ч., д/р. 01А965JA, "ВАЗ-21093" р-ли ав-на, бошланғич баҳоси - 5 164 809 сўм; ЖИБ Чиноз тумани судининг 08.07.2015 йилдаги 134/15-сонли ижро варақасига асосан 2005 йилда и/ч., д/р. 10N966AA, "ВАЗ-21070110-20" р-ли ав-на, бошланғич баҳоси - 7 088 360 сўм; ЖИБ Оққўрғон тумани судининг 11.03.2015 йилдаги 1-87-сонли ижро варақасига асосан 1982 йилда и/ч., д/р. 01N6400А, "ГАЗ-24" р-ли ав-на, бошланғич баҳоси - 1 198 659 сўм; 4. Олмалик шаҳар СИБ томонидан хатланган, Олмалик шаҳар ИИБ жарима майдончасида сақланаётган: Олмалик шаҳар СИБнинг 02.06.2014 йилдаги 10564-сонли ижро ҳужжати асосан 1980 йилда и/ч., д/р. 10L602СА, "ВАЗ-21011" р-ли ав-на, бошланғич баҳоси - 2 395 163 сўм; Олмалик шаҳар СИБнинг 11.06.2013 йилдаги 433-сонли ижро ҳужжати асосан 1985 йилда и/ч., д/р. 6981 ТША, "УРАЛ" р-ли мотоцикл, бошланғич баҳоси - 350 187 сўм; Олмалик шаҳар СИБнинг 23.01.2014 йилдаги 1849-сонли ижро ҳужжати асосан 1977 йилда и/ч., д/р. 10W8556, "ВАЗ-2101" р-ли ав-на, бошланғич баҳоси - 1 334 697 сўм. Савдолар Тошкент шаҳри, А. Темур 1-тор кўчаси, 6-ўйда жойлашган "Савдо ташкилотчиси"нинг аукцион залида бўлиб ўтади.

Аукцион савдосига қўйилган автотранспорт воситалари билан туман СИБ

вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоси қолиби савдо ўтган кундан бошлаб 5 (беш) банк кун ичида мулк учун тўлов ҳужжати асосан ишчириш лозим. Талабгорлардан аризалар расийи қиш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади ва савдодан бир кун олдин соат 11.00 да тўхтатилади. Аукцион савдоларида қатнашиш истагидаги талабгорлар тузилган закалат пулини тўлов ҳужжати асосан мулк бошланғич баҳосининг 20 (йигирма) фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда "Савдо ташкилотчиси"нинг АТБ "InfinitiBank" даги, МФО 01041, ИНН 302477464, 20208000505015855001 ҳисоб рақамига тўлашлари ва ариза билан бирга қўйиладиган ҳужжатларни топширишлари шарт: жисмоний шахслар - паспорт нусхаси, закалат пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳужж

1 март – Ўзбекистон халқ шоираси Зулфия таваллуд топган кун

ИБРАТИ ҚЎЗҒУСИ



Уша хатларнинг бари эҳтиром тўла туйғулар билан яқунланган. Фикримиз тасдиғи учун 1988 йил 20 апрелда куйилган мактуб сўнггида қуйилган жумлаларни ўқиймиз:

Уша хатларнинг бари эҳтиром тўла туйғулар билан яқунланган. Фикримиз тасдиғи учун 1988 йил 20 апрелда куйилган мактуб сўнггида қуйилган жумлаларни ўқиймиз:

Опанинг камтарлиғию дарёдиллиғи исбот бўлувчи бу каби номалар кўплаб шогирдлар бисотида бугун ҳам қадрлиниб келинапти. Устоз минглаб ёшларни жамиятнинг ардоғига топширган. Аниқроғи, муносиб даражада тарбиялаб, катта ҳаётга йўллаган. Зулфияхонимнинг кенжа авлод шогирдлари орасида вилоятимиз қизлари ҳам борлиги бизни беҳад қувонтиради. Улардан бири – мустақиллигимиз тенгдоши Дурдона Абдуманнопова Пискент туманида туғилган. У ўз ижоди билан бугунги ёшлар шеърини эса инглиз тилига ўйрган. Шунингдек, Тошкент Давлат шарқшунослик институтида хитой тилини ўрганиб, буюк адаби-

фия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирланган. Дурдонанинг биринчи шеърини тўплами "Шукрона" деб номланган ва 2006 йилда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси адабиёт жамғармаси нашриётида chop этилган. У рус ва инглиз тилларини яхши билади. Жаҳон адабиёти намояндаларининг асарларини инглиз тилидан ўзбек тилига, Абдулла Ориповнинг "Она тилим", Муҳаммад Юсуфнинг "Меҳр қолур, муҳаббат қолур" Зулфияхонимнинг "Сен қайдасан, юрагим" шеърларини эса инглиз тилига ўйрган. Шунингдек, Тошкент Давлат шарқшунослик институтида хитой тилини ўрганиб, буюк адаби-

миз Абдулла Қаҳҳорнинг "Минг бир жон" ҳикоясини Чин ўлкаси китобхоналари учун таржима қилган. "Хитой маданиятида архитектура санъати" мавзуда туркум мақолалар нашр эттирди. Институт таҳсилдан кейин Дурдона Пискент агроаноат ва иктисодиёт касб-хунар коллежида инглиз тили фанидан ўқувчиларга таълим берди. Коллежда "Ораста қизлар" тўғарағига раҳбарлик қилди. У етакчилик, нотиклик ҳамда ташкилотчилик қобилиятига эгалиги сабаб таълим масканидаги барча тadbирларда мунтазам иштирок этиб келмоқда. Дурдона Абдуманнопова моҳир ташкилотчилик, меҳнатсеварлиги, жа-

моатчилик ишларига ўз тенгқурларини тезда сафарбар эта олиш лаёқати туйғайли туман ёшлари ўртасида обрў-эътибор қозонган. У ҳамиша Зулфияхонимнинг: *Ҳали бор олдимда ўтмаган бурчим, Утайман кўзимда тирик турса нур. Уримдаги барча ҳалслар учун Узига бек халким, Сенга ташаккур,* деган самимий сатрларини такорлаб яшайди. Доимо Зулфияхонимга ҳар жихатдан муносиб издош бўлишга интилади. **Шоира БОЗОРОВА, "Тошкент ҳақиқати" муҳбири.**

Маънавият

Неча мингйиллар давомида эврилишларга юз тутган борлик инсон ақлу зақосини ўзида акс эттирган, замонлар оша азалият ва абадиёт сирларини сақлаб келаятган ёдгорликлари билан ўтмишу келажакни боғлаб туради. Тошкент воҳаси географик ўрни, ажойиб табиати сабабли қадимги овчи, термачи ва чорвадорлар учун энг қулай жойлардан бири бўлган. Бунинг исботи сифатида вилоятимиз археологлари томонидан топилган қадимий ёдгорликларни келтиришимиз мумкин.

Ҳозирги кунда республикамизнинг қатор тарихий, ўлкашунослик музейларида сақланаётган бу каби ашёлар, улардаги нодир битикларни ўрганиш, тарихимизнинг биз билмаган қирраларини аниқлаш, ўз навбатида, уларни келгуси авлодга етказиш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир. Бунинг учун, аввало, ўтмишимизни ўша нодир битиклар ёрдамида ўрганишимиз зарур. Шунинг учун ҳам юрган йўлларимизда, сайру саёҳатлар чоғида, тоғу-тошларда учрайдиган қадимий ёзувларга бефарқ бўлмаслигимиз, керак бўлса, мутахассислардан сўраб ўрганишимиз лозим. Алалхусус, ўргатса, фахрланса арзийдиган қадимий шахарлар қолдиқлари, ёдгорликлар, нодир битиклар вилоятимизда бисёр.

Улар тасвирий санъатнинг ажралмас қисми бўлиб, ажодларимизнинг нафис санъат тури бўйича иқтидор ва лаёқатини кўрсатади. Бу нодир расмларнинг тарихий-маънавий аҳамияти шундаки, уларнинг даврларини бир неча минг йилликларни қамраб олади. Энг қадимий расмлар миллоддан олдинги тўртинчи ва учинчи минг йилликлар, яъни энеолит даврига тегишлидир. Баъзи бир расмлар бронза даврида, миллоддан аввалги икки миңгинчи йилда тошга ўйиб иш-

НОДИР БИТИКЛАР СИРИ



ланган. Қадимда ажодларимиз маълум вақтларда бу расмлар қоялар атрофида ибодат қилиб, диний удумлар, ҳаётини урф-одатларни бажо келтиришган. Вилоятимизнинг тоғли ва тоғ олди худудларида бундай ажойиб ёдгорликлар анчагина, уларнинг деярли ҳаммаси сақланиб қолган. Биргина Паркент туманидаги Бошқизилсой ўзидики битиклар сони 600 га беради. Тошкент воҳасида минг йиллар давомида сақланиб келаятган қадимий санъат тури бўлган қоятошдаги расмлар ажодларимизнинг ҳаёти, диний тасаввурларини акс эттириб, бизга бир васият, мерос сифатида қолдирилган тарихий ҳақиқатдир.

туманларидаги бир қатор қоятош расмлари давлат рўйхатига олинган. Бугунги кунда уларнинг умумий сони ўн миңг нуҳсадан ортиқдир. Бу ажойиб қадимий санъат асарлари бир неча услубда акс эттирилган. Ҳўжакент, Қорақиясой, Бошқизилсой, Чотқол, Қизилполмасой, Эртоссой қояларидаги расмларнинг аксарият қисми нодир битиклар сифатида ўлмас маданий меросимиз ҳисобланади.

Улардан бири – Ҳўжакент қоя тошларида 90 дан ортиқ расмлар борлиги аниқланган. Қоя сиртидаги тоғ эчкилари, архарлар, кийиклар, отлар, итлар ва бошқа расмлар контур ҳамда оддий чизикли услубларда акс эттирилган.

Ҳўжакент расмлари турли мавзуларга бағишланган бўлиб қадимий одамларнинг ҳаёти, турмуш тарзи ва диний тушунчалардан хабар беради.

Ҳўжакент расмлари турли мавзуларга бағишланган бўлиб қадимий одамларнинг ҳаёти, турмуш тарзи ва диний тушунчалардан хабар беради.

Ҳўжакент расмлари турли мавзуларга бағишланган бўлиб қадимий одамларнинг ҳаёти, турмуш тарзи ва диний тушунчалардан хабар беради.

Зарифа ЭШМИРЗАЕВА, халққаро "Олтин мерос" хайрия жамоат фонди вилоят бошқармаси раиси.

Тақдирот

Пойтахтимиздаги Миллий кутубхонада Ўзбекистон Фанлар Академияси фахрий академиги Зайниддин Фахриддинов таваллудининг 95 йиллиғи муносабати билан унинг фарзанди Муҳаммадазиз Фахриддиновнинг "Ўзбекистонда лимончиликни ривожлантириш синоатлари" ва "Особенности выращивания цитрусов в Узбекистане" китобларининг тақдироти бўлиб ўтди.

ЭЗГУЛИК БОҒИНИНГ МЕВАЛАРИ

Тадбирда таникли олимлар, фахрий академикнинг шогирдлари, яқинлари ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди. Янги китобда маълумотиимиз лимончилик тарихи, Зайниддин Фахриддинов ва унинг фаолияти ҳикоя қилинади. Унинг селекцияси. Умрининг узоқ йилларини лимончилик истиқболига бахшида этган отамизнинг изланишларини бундан кейин ҳам давом эттирамиз, – дейди китоб муаллифи, Полимерлар кимёси ва физикаси илмий-тадқиқот маркази ходими Муҳаммадазиз Фахриддинов. – Отам қафс этган янги навлар ҳам таркиб жиҳатдан, ҳам шаклан дунё олимлари эътирофига сазовор бўлган.

3. Фахриддинов нафақат лимончиликни амалий тажрибалар ёрдамида ўрганди, балки назарий қўлланмалар, кўплаб китоблар нашр этди. Ишонимизки, бу китоблар мазкур соҳага қизиқувчиларга ўзига хос маҳорат мактаби вазифасини ўтайди. **Ўз муҳбиримиз.**

Ҳикматлар гўлдасмаси

- Сўз одоби ҳақида**
Тилингни тиёлсанг омондур бошинг,
Сўзингни қисқа қилсанг узайди ёшинг.
Юсуф Хос Ҳожиб
- Тилармен сендин, эй кони малоҳат,
Ки берсанг сўз билан жонинга роҳат.
Ҳўжадний
- Гапирмоққа агар озгинг очарсан,
Керак яхши-ёмонни ажратарсан.
- Тушса бошга агарда бир мушкулот,
Топилмаса ҳал этишга бир наҳот,
Сўз қудратин ишга солсанг ўшал он,
Мушкулотинг бўлур албатта осон!
- Сўзинг кийимингдек бекаму кўст қил,
Еки кийимингни сўзингга рост қил.
Абдураҳмон Жомий
- Хушгап сўзини юмшоқлик ва келишув
билан айтади,
Кўнглига келадиган юз ғам унинг
сўзи билан қайтади.
- Бефойда сўзини кўп айта,
Фойдалик сўзини кўп эшитишдан қайта.
- Сўзи ҳисобсиз – ўзи бошвоқсиз.
Сўзида паршонлик – ўзида
пушаймонлик.
- Сўздин кишига ғаму бало ҳосилдур,
Ҳар нуқта тили деса бало дохилдур.
Алишер Навоий

САЛОМАТЛИК, ДЎСТЛИК, БИРДАМЛИК



"Олмалик кон-металлургия комбинати" АЖга қарашли спорт мажмуасида қорхона, ташкилот ва муассасаларда фаолият кўрсатаётган ходимлар ўртасида "Спорт – саломатлик гарови" шиори остидаги спартакиаданинг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

Касаба уюшмалари ҳаётидан

Мусобақа вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси томонидан ҳодимларни спортнинг оммавий турларига кенг жалб этиш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш мақсадида ташкил этилди. Уч босқичли спартакиаданинг дастлабки беллашувларида 100 миңдан ортиқ иштирокчи қамраб олинди. Туман, шаҳар босқичларида эса 300 нафар хаваскор спортчилар орасидан номзодлар сараланди. Қизғин ва мурасасиз бел-

лашувларга бой бўлган спорт байрамида вилоятимизнинг барча худудларидан келган қатнашчилар спортнинг шахмат, шашка, стол тенниси, волейбол, бадминтон ҳамда сузиш турлари бўйича куч синашдилар. Айниқса, волейбол мусобақаларида "Олмалик" аёллар жамоаси барча рақибларини мағлуб этиб, фолибликни қўлга киритди. Шахмат баҳсларида Чирчиқ шаҳридан Нусрат Жуманов ва Шаҳноза Исроиловаларга тенг кела-

диган рақиб топилмади. Стол теннисида олмалиқлик Жаҳонгир Абдуразоқов шохсупанинг юқори поғонасидан жой олди. Ангрелик Ирина Шоаҳмедова эса ўйин давомида ҳақиқий маҳорат кўрсатиб, барча рақибларни мағлуб этди. Яна бир олмалиқлик Сергей Мувинов ва ангрелик Элвира Юсуповалар бадминтон баҳсларида тенгсизлигини исботлади. – Ишдан бўш вақтларимда спорт билан шуғулланаман, – дейди ол-

малиқлик Жаҳонгир Абдуразоқов. – Бу танамни чиниктириб, соғлом бўлишимга ёрдам беради. Бугунги спартакиадада қатнашиб, кўлаб дўстлар орттирганимдан хурсандман. Шунингдек, мусобақаларда "Энг ёш улуг иштирокчи", "Энг маҳоратли хаваскор спортчи", "Ғалабага бўлган интилиши учун", "Энг ёш иштирокчи" каби номинацияларда ҳам бир қатор спортчиларга ташкилотчиларнинг фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари топширилди. **Абдулазиз МУСАЕВ, "Тошкент ҳақиқати" муҳбири.** Азамат АХМЕДОВ олган сурат.

Жиноятга жазо муқаррар

Асли чинозлик Қанатбек шу кунларда 35 ёшни қаршилади. Ҳали ёш, орзу-умидлари бисёр. Аммо, ҳаётинг мазмунини осонгина, мўмай даромад топишда деб тушунади. Шунинг учун бўлса керак, "ёгли" жойларда ишлашни хуш кўради. Маҳалладоши Раим аканинг ёрдами билан Тошкентнинг Олмазор туманидаги бир ошхонада ишлаб бошлади. Шунга ҳам 14 йил бўлибди. Ўзи истаганидек, "ёглиқона", лагмон пиширувчи ошпазга ёрдамчи. Аммо, одамларга хуш ёқадиган мазали таомлар пишадиган қозоннинг ёғи билан бирга бир юкса кетиши қийин бўлган қорақуяси ҳам борда... Ундан эҳтиёт бўлмаса, теккан жойига ёпишиб олиб, ҳарчанд ювсан, кетиши қийин бўлади. Қанатбек ҳам билими, билмайми қозонга жуда яқин бориб қолди... Айниқса, ёғ аралашиб қолган қорақуя нафақат кийими, балки юрагида ҳам доғ бўлиб қолди...

ҚОРА ҚОЗОННИНГ ҚУЯСИ

У ошхонада ишлаб юриб орттирган ошналарида бири – Илҳомнинг оиласи билан Туркияда яшаётганидан хабар топиб, тез-тез телефонда гаплашиб турар, унинг ялтироқ ҳаёт ҳақидаги эртакларини жон қулоғи билан тингларди... Шундай қилиб, 2014 йилда Қанатбек таниши Илҳом Азимовнинг таклифи билан Туркиянинг Истамбул шаҳрига йўл олди. Ёнида умр йўлдоши Назоқатхон Яҳёева. Уларнинг фарзандсизлиги, шифокорларнинг ҳаво алмаштириш ҳақидаги маслаҳатлари боис, шу ёқларга бориб қолганини айтиб, ўзини оқламақчи ҳам бўлди у. Қизиқ, нима учун ўзини оқлаши керак?! Ахир, ҳозир чет элга бораман деган одамга йўл очик, бемалол боравери-да! Фақат, йўли-ю нияти яхши, қолаверса, хужжатлари тўғри бўлса... Балки, бошида шундай ҳам бўлгандир. Аммо, ёмон ниятли одамлар қуршоғида қолса, унинг таъсири, кўпол қилиб айтганда, қасофати урмай илож йўқ. Шундай бўлди ҳам. Қанатбекни аэропортда кутиб олган Илҳом Азимов уни Истамбулнинг гавмуш кўчаларидан би-

ридаги "Меҳмон" ресторанига олиб борди. У ерда янги меҳмонни андижонлик Аҳмад, Фазлиддин, чинозлик Обиджон, Ҳамидулла, Тошкент шаҳридан Дамир, жижақлик Фуад, Куйи Чирчиқдан Мақсад исмли ўзбекистонлик биродарлар кутиб олишди. Аммо, Қанатбек уларни кўрганга дурсанд бўлиш ўрнига, қандайдир кўркүв, ҳақини ҳис этгандек бўлди. Чунки, уни қоп-қоп ваъдалар билан таклиф этган Илҳомнинг ўз Ватани Ўзбекистон ҳақидаги хонимона сўзларидан лолу ҳайрон қолган, бунинг оқибатини ўйлаб, титроққа тушган эди. – Илҳом ака, ўғилларингиз ҳам улғайиб, кап-катта йигит бўб қолишибди, – деди Қанатбек бир кун унинг уйида меҳмондорчиликда ўтирар экан. – Ватанга қачон қайтмоқчисиз? – Йўқ, мен энди ҳеч қачон Ўзбекистонга қайтиб бормайман, – деди у алам билан. – Мен бу ерга оилам билан "ҳижрат"

қилиб келганман. Биласанми, ҳозир Сурияда, Фаластинда уруш бўлапти, яхудиайлар мусулмонларни ўлдирапти. Шунинг учун кофирларга қарши "жиход" қилиш керак. Сени ҳам Сурияга юбораман, мусулмонларни ҳимоя қиласан... Маълум бўлишича, "Меҳмон" ресторанига ҳафтада бир-икки йигилиб турадиган меҳмонларнинг мақсади Ўзбекистон шаънига бўлмағур гаплар, бўхтонлар айтиб, ёш-ёш йигитларнинг онгини захарлаш, уларни террорчилик гуруҳларига йўллаб, шу орқали бойлик орттириш экан. Бу борада ресторан бошлиғи, унинг қўл остидагилар ҳаммаси ҳам-фикр, вақти-вақти билан террорчиларга моддий ёрдам бериб туриши ҳам ўз зиммасига олган экан! Қанатбекка ўхшаб, чет элдаги ялтироқ ҳаётни орзулаб, танишлари орқали Туркияга, айнан шу ресторанга меҳмонга борган ва у ердаги фитнес, кўпорувчилик

ҳаракатлари учун хизмат қилаётган шайтон малайларининг кирдикорларини кўриб кўзи очилган ва фурсатни бой бермай Ўзбекистонга қайтиб келган 26 ёшли чинозлик Ҳамидулла Исмоиловнинг кўрган-кечирганлари унданда даҳшатли. У собиқ синфдоши Обиджон Йўлдошевнинг тақлифига биноан Истамбулга бориб қолганию, уни ҳам "Меҳмон" емакхонасининг хўжайини Илҳомжон Азимов иш билан таъминлагани, эвазига улар бошлаган попок, ҳалокатли йўллардан юриши кераклигини билгач, Ўзбекистонга қайтиб келганини айтиб, қилмишидан пушаймонлигини билдиради. Ҳамидуллани ҳам жинойи гуруҳ фаолларидан бири бўлган Фазлиддин Сурияга "жиход" қилишга ундаганини тан олди.

Тўғри, "эрилган бошни қилич кесмайди". Аммо, бу мудҳиш воқеаларни кўра-била туриб, Ватанга қайтиб келгач, ҳуқуқ-тартибот органларига ўз вақтида хабар бермаслик – бу айни жиноят. Бу – мустақил Ўзбекистонимиздаги тинч, осуда ҳаёт, фаровон турмушни кўролмаётган ганимларнинг кирдикорларини яшириш. Улар ўз қилмишларини "жазодан кўрқиб айтолмади", дея хаспўшламоқчи бўлишади. Аммо, жиноятга жазо муқаррар: судланувчилар Қанатбек Булганбаев, Ҳамидулла Исроиловларнинг пушаймонликлари, айбига тўлиқ иқроғлиги, яшаш жойларидан олинган ижобий фикрлар инобатга олиниб, суд ҳукми билан ҳар иккисига тегишли чоралар кўрилди. **Ҳулқар НУРМАТОВА.**

"101 хизмати хабар қилади" ОҒОҲЛИК КУЛФАТДАН АСРАЙДИ

20 февралдан 26 февраль кунига қадар вилоят худудида 26 та ёнғин қаҳат этилди. Уларнинг 19 таси аҳоли тураржойларида содир бўлиб, хонадон эгаларига ҳам моддий, ҳам маънавий зарар етказди. Ёнғин чиқиши сабаблари таҳлил қилинганда: электр симларининг қисқа туташуви, печаларни қуриш ва ишлатишда ёнғин хавфсизлиги қоидалари бузилганлиги ва оловдан эҳтиётсизлик билан фойдаланиш оқибатида содир бўлганлиги аниқланди. Жорий йилнинг "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили" деб номлангани ҳамда пайшанба – "Профилактика куни" сифатида белгилангани муносабати билан ёнғин хавфсизлиги моддий ходимлари ҳам маҳаллаларда тарғибот-ташвиқот учрашувларини ўтказиб, фуқароларимизга ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш ва эҳтиёткорлик бу каби қўнғилсизликларнинг олдини олишда муҳим аҳамият касб этишини тушунтиришмоқда. Хурматли фуқаролар! Ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилинг. Зеро, хотиржамлигимиз ўз қўлимизда эканлигини унутмайлик. **Тошкент вилоти ИИБ Ёнғин хавфсизлиги бошқармаси матбуот хизмати.**

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА Муассис: Тошкент вилоти ҳокимлиги	Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи Ғайрат ШЕРАЛИЕВ	Маънавият: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32. Электрон почта: thaqiqat@umail.uz	Телефонлар: Қабулхона: 233-58-85 (факс) Бош муҳаррир ўринбосари: 233-70-10 Котибият: 233-79-96 Бўлим муҳаррирлари: 233-38-23, 233-48-08 Шарҳнома ва эълонлар: 233-81-21, 233-65-59 Ҳисоб-китоб бўлими: 233-54-10	Тошкент вилоти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган. Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.	Навбатчи муҳаррир Ҳолмурод САЛИМОВ Назорати мусахҳиҳ Қумуш ЭҒАМБЕРДИЕВА Саҳифаловчи Тоҳир МАҲМУДУҲҶАЕВ
---	--	--	--	--	--